

Машинали сув кўтариб беришда сув – ҳўжалик хисоби мавзусида очиқ маъруза

Бугун 17 октябр 2018 йил 2 жуфтликда “Сув энэргияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси катта ўқитувчиси Бадалов Абдулла Сагдиевич Машинали сув кўтариб беришда сув – ҳўжалик хисоби мавзусида талабаларга Очиқ маъруза ўқиди. Маърузада кафедра профессор-ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Маърузачи аввал Машинали сув кўтариб беришда сув – ҳўжалик хисоби насос қурилмаларини зарурий узатилаётган сув миқдорини таъминлаши, ишончли, пухта ва тўхтовсиз ишлаши учун ушбу тадбирларни амалга ошириш талаб қилиниши ҳақида тушинча берди:

- сув – ҳўжалик хисобини асосий вазифаси бўлмиш суғориш учун зарур бўлган сув сарфи миқдорини аниқлаш;

-иқлимни интенсив исиб бориши қишлоқ ҳўжалик экинларини сув истемолини ошиб боришини ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида такрорий экинларни экилишини инобатга олиб сув истемол графигига тузатиш киритиш;

-насослар сонини тўғри танлаш ва танланган насослар сони сув истемол графигини тўлиқ ва исрофсиз қоплаш;

-танланган насосларни керакли сув сарфи ва босимини бера туриб юқори ф.и.к. билан ишлатиш;

-иқтисодий томондан афзал бошқариш усулларида фойдаланиб, электронасос агрегати ва ташқи тармоқ кўрсаткичларини бир-бирига мос тушишини таъминлаш.

- экинларнинг сув истемол қилиш поғонали графиги билан насос станциясининг кўтариб бераётган поғонали сув сарфи графиги бир хил бўлиб улар устма-уст тушади, натижада сув ва электроэнэргия исрофига барҳам бериш.

шундан сўнг глобал исиш ҳақида видеоролик намойиў этилди ҳамда талабаларга вазифалар берилиб бугунги мавзу яқунланди.



Ўқув-услубий бошқарма услубчиси Мафтуна Тошева ахбороти.